



Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O'zingni angla!

Газетамизга
2009 йил учун
обуна
бошланди.
**Муштарийларимиз
сафида бўлинг!**
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * 2008-yil 1-oktabr, №42 (597) * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://www.hurriyat.uz

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири педагог ходимларга узлуksиз методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш эканлигини инобатга олиб, мазкур масалани тубдан яхшилаш чора-тадбирлари кўриб борилмоқда.



⇒ 2-бет

АДАБИЁТ — ИНСОН ҚАЛБИ УЧУН КУРАШ

Адабиёт инсон қалби ҳақидаги энг улкан билим, энг улкан тадқиқот. Ҳар қандай жамиятни, ҳар қандай тузумни адабиётга бўлган муносабатидан билиб оلسа бўлади.



⇒ 6-бет

ҒАРБГА ТАҚЛИД ҚИЛИШ ЎРИНЛИМИ?

Шарқ қадриятларига кўра, бировга холис маслаҳат бериш чин инсонийлик ҳисобланади. Кўникўшчилик, қавму қариндошчиликнинг мустаҳкамлиги ҳам бир-биримизга бўлган меҳрибонлигимиз, ҳаммаслақ бўлишимиз самарасидир.



⇒ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Бугун — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

Кимки ҳаёт шаъмин илм ила ёқди...

■ Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик йўллади. Шу йилнинг 29 сентябрь куни пойтахтимиздаги Туркистон саройида 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, таълим-тарбия соҳасида самарали меҳнат қилиб келаётган илғор ўқитувчилар, олимлар ва талаба-ёшлар иштирок этди. Юртбошимиз табриқини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди. Президент табриқда, жумладан шундай дейилди:

“Бугунги кунда мамлакатимизда қарийб 1 миллион таълим соҳаси ходимлари ўзининг кўз нури ва қалб кўри, билим ва истеъдодини бағишлаб, 7 миллиондан зиёд ўғил-қизларимизга таълим ва тарбия бераётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу соҳада бизнинг қандай қатнаш куч ва салоҳиятга эга эканлигимиз аён бўлади”.

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 29 сентябрдаги “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ҳодимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Унга кўра юртимизнинг таълим-тарбия соҳаси филойларидан бир қанчаси давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

■ Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов “Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида” жорий йилнинг 26 сентябрь куни қарор қабул қилди. Ушбу қарорга мувофиқ Рамазон ҳайити юртимизда бутун — 1 октябрь куни кенг нишонланадиган бўлди.

■ Шу йилнинг 29 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларни тузиш амалиётини такомиллаштириш масалалари мавзусида семинар ўтказди. Семинар якунида халқаро шартномаларни ратификация қилиш бўйича қонун лойиҳаларини тайёрлашда мутасадди идораларнинг масъулиятини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.



Uzbek tili

ни, таълим-тарбия тизимидаги илгариллашлар жаҳон андозаларига мос келаётганини, билимдон ёшлар иқтидорунинг салоҳиятини дунёга кўз-кўзлаб аjoyиб муваффақиятларга эришаётганини сўз билан ифодалаб бергим келади...

Ҳа, устозлик — улғу касб, уни дунёдаги ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Нима учун, дерсиз? Негаки, ҳунарманд ўзи ясаган буюмдан кўнгли тўлмаса бузиб қайта ясаши мумкин. Курувчи иморат деворини қийишқ олса, уни қайтадан куриш имконига эга. Чевар ҳам буюртмачи дидига ўтирмаган либосни чокидан сўкиб қайтадан тика олади. Лекин устоз-педагог-чи? Инсон умри, демакки унинг болалиги ҳам қайта келмайди. Болаларга бериладиган таълим ва тарбияда «қайтадан» дейиш жуда мушкулдир. Шу боис педагог тарбияда асло янглиши мумкин эмас. Албатта, устоз қандай шахсни тарбиялаётганини яхши билгувчи киши бўлмоғи зарур.

Бугуннинг ўқитувчиси, мураббийси айнан шундай. У шахс тарбиясини жамият талаблари асосида белгилайди. “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ҳам шахс ва унинг ҳар томонлама қамолоти асосий мақсад қилиб қўйилган. Шундай экан, ўқувчининг билимларни пухта ўзлаштири олиши учун ўқитувчининг ўзи юқори малакали бўлиши зарурлигини давр тақозо этмоқда.

(Давоми 4-бетда.)

С толим устида бир устознинг сурати бор. Ҳар гал иш бошлаётиб унга бир қараб олам. Бир пайтлардаги-дек иссиқ чехралаи ва меҳрибонлиги билан термилиб турган бу зот доимо қўлогимизга қуйиб келган ўша сўзларни ҳозир ҳам қайта уқтираётгандай бўлади: “Бўшашма, ўз кучинга ишон,

изланишдан эринмасанг, албатта мақсадга етасан!” Ҳамиша шу гални эшитганимизда юрагимизда ўзгача шижоат уйғонар, гўёки вужудимизга ҳам куч-қувват ёғилиб келаётгандек туюларди. Айнан устоз тилидан жаранлаган бу ўғит бизнинг фикру ҳаёлимизга ҳам, сўнгра ҳаётимизга ҳам ёруғликлар олиб кирганди. Кейинчалик тушуниб етдимки, устозлар, ав-

вало, сўзи, даъваткорлиги билан онгу шууримизда билимлар пойдеворини тиклаб, бора-бора маънавиятимиз мезморига айланган эканлар! Яна устоз суратига тикиламан ва унга шу топда кўнглимда кечаётган фахр туйғуларини, яъни бу кун устозлар зиммасидаги масъулият ҳисси икки-уч ҳисса ортиши баробарида уларнинг иззат-ҳурмати янада баландлашгани-



Рамазон ҳайитини муборак бўлсин!

ДУНЁ СИЁСАТИ

ЖАВОБ


Шу қутлуғ кунларда

Бугун юртимизда байрам. Аслида осмони мусаффо, юрти обод, эли тинч ва хотиржам мамлакатнинг ҳар куни байрамга тенг. Зеро, бугун ўлкаимизда қўшалок айём: заҳматли ва лекин гоят савобли касб эгалари бўлмиш ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами билан бир қаторда, Ийд ал-адҳо Рамазон ҳайити кенг нишонланмоқда.

Д арҳақиқат, бутун мусулмон оламига, жумладан, юртимизга ҳам рамазоннинг файзи, баракаси ёйилди. Авваллари бундай кунлар “диний байрам”, дея кенг нишонланмасди. Истиқлол шарофати ила муқаддас динимизга, ўзлигимизга қайтарганимизга минг шукр. Саодатга олиб борувчи йўл ва унга эришилган кун қутлуғдир. Рамазон ҳайити куни ана шундай мўътабар кундир.

Пайгамбаримиз Муҳаммад (саллаллоху алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилдилар: “Агар инсонлар рамазон ойидаги мукофотлар, савоблар, неъматлар ва раҳматлар кўпчилигини билсалар эди, рамазоннинг йил бўйи давом этишини хоҳлаган бўлар эдилар”.

Барчамизга ибрат, ҳикмат намунаси элимиз илҳос билан Рамазон рўзасини ўтказди. Мамлакатимизнинг барча масжидларида Хатми Куръон бўлди, дуолар ўқилди. Кўнглимиз равшан тортиди, илҳосимиз ошди. Зехимиз янада ўткирлашиб, атрофимизга меҳр ва ибрат кўзи билан қарамоқдамиз. Муборак ой. Муборак айём. Шу қутлуғ кунларда ота-оналаримизни,



ола-сингилларимизни, ака-укаларимизни, дўсту биродарларимизни ошиқиб зиёрат қилмоқ бурчимиз. Беморларни йўқлаб уларнинг ҳолидан хабар олиш халқимизга хос азалий қадриятлардандир.

Бу эзгу амалларнинг ўрни, моҳиятини баланд тутиб, мухтарам Президентимизнинг “Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Унда бу эзгу байрамнинг юксак ўрни алоҳида қайд этилди. Яратганга шукри, мустақил она диёримиз тинч, халқимиз дилида эзгу ўйлар, буюк орзулар мужассам. Ана шундай сабоҳатли, шукухли, ер ва осмонлар зийнатланган кунлар барчамизга муборак бўлсин, Рамазон ҳайити қутлуғ бўлсин!

Абди ПАРДАЕВ

Сайёҳлар озодликда



Бундан ўн кун бурун Мисрда ўғирлаб кетилган сайёҳлар озод этилди.

Ўғирланганлар сафида 5 нафар Германия, 5 нафар Италия, бир нафар Руминия фуқароси ҳамда 8 нафар мисрлик йўл бошловчи бор эди. Босқинчилар сайёҳлар учун 6 миллион АҚШ доллари миқдорида гаров пули талаб қилишганди. Миср махсус хизмати вакилининг таъкидлашича, уларни

озод қилиш учун ҳеч кимга гаров пули берилмаган. Чад давлати ҳудудига ўтказилган гаровдагиларни қутқариш амалиёти чоғида босқинчиларнинг ярми йўқ қилинган.

Маълумотларга қараганда, сайёҳлар ва уларнинг йўл бошловчилари Чаднинг Суданга яқин чегарасида 30 нафар босқинчи томонидан ушлаб турилган.

5»

Бой берилган фойда ундирилади

(“27 тонна бугдойнинг уволи”. “Хуррият”, 2008 йил 20 август)

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан мақола ўрганилди. Аниқлинишича, Бухоро вилоят адлия бошқармаси “Темур Мурод” хусусий бўрдоқчилик фермаси манфаати учун жавобгар Қоровулбозор тумани МТП ДАЖга нисбатан ҳўжалик судига мурожаат қилиб, бажарилган ишлар тўғрисидаги форма-2 далолатномасини ҳақиқий эмас деб топганини, 5981748 сўмини, жумладан 716748 сўм ортқича олинган суммани, 5265000 сўм бой берилган фойдани ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2006 йил 15 декабрдаги ақрими билан тарафлар ўртасида тузилган келишув битими тасдиқланган. Апелляция инстанцияси судининг 2007 йил 23 майдаги қарори билан суд ақрими бекор қилинган, иш янғидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган. Биринчи инстанция судининг 2007 йил 16 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2007 йил 15 октябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талаблари рад этилган. Кассация инстанцияси судининг 2008 йил 5 мартдаги қарори билан 2007 йил 16 июлдаги ҳал қилув қарори ва 2007 йил 15 октябрдаги қарори бекор қилинган,

иш янғидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган. Биринчи инстанция судининг 2008 йил 19 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари рад этилган. Иш ҳўжатларидан кўринишича, Қоровулбозор МТП ДАЖ ва “Темур Мурод” хусусий бўрдоқчилик фермасининг 53 гектар ер майдонидан “Магнум” тракторида 8144737 сўмлик шўдгор ишларини бажариш ва 20 гектар майдондаги донни “Кей” комбайнида ўриш мажбуриятини олган.

3»

ЖАРАЁН

ҲУҚУҚ

Ёшлар тарбияси учун масъулмиз

— дейди Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Юсуфхон МУҲАММАДИЕВ

Мамлакатимизда фарзандларимизнинг босқичма-босқич чуқур билим олишини таъминловчи тизим бугун ўз самарасини бермоқда. Бу тизим "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"ни амалга татбиқ этиш жараёнида ҳамда таълим тизимини янада такомиллаштиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Янги ўқув йилида Самарқанд вилоятида олти янги мактаб қурилиб, ишга туширилганлиги, олти тўққизта мактаб капитал реконструкция қилинганлиги, етмиш иккита мактаб жорий таъмирдан, қирқ еттита эса капитал таъмирдан чиқарилганлиги ҳам таълим тўғрисидаги миллий дастур амалий ижросининг ифодасидир.

Соҳада амалга оширилаётган ишлар хусусида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Юсуфхон МУҲАММАДИЕВ билан суҳбатлашдик.

— Юсуфхон ака, айни пайтда вилоятнинг таълим соҳасидаги кўрсаткичлари қай даражада?

— Бугунги кунда вилоятдаги 1216 та умумтаълим мактаблари, махсус мактаб, мактаб-интернат ва Меҳрибонлик уйларида 643680 нафар ўқувчи тахсил олмақда. Уларга 52698 нафар педагог-ҳодим таълим-тарбия бериб келмоқда. Утган йиллар давомида

тиёзли равишда ўқишга кириш ҳуқуқини қўлга киритди. Вилоятимиз ушбу кўрсаткич бўйича республикада 3-ўринни эгаллади.

— Иқтидорли ўқувчи ёшлар эртанги кунимиз — келажакимизнинг эгалари. Уларни камолга етказиш, кашф қилиш, иқтидорларини қизиқтириш доирасида йўналтириш борасида яна қандай ишлар амалга оширилмоқда?



Самарқанд шаҳридаги 34-мактаб кутубхоначиси Моҳира Умарова.

таълим самарадорлигини ошириш юзасидан салмоқли ишлар амалга ошди. Бу дастлаб "Умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадаларига иштирок этувчиларни танлаш тўғрисида"ги Низом асосида ташкил этилган вилоят олимпиадалари жараёнида аниқ кўзга ташланади. Ўқувчилар билимининг ҳақиқий синови бўлган фан олимпиадасининг вилоят босқичида ўтган ўқув йилида умумтаълим мактабларидан 75 нафар 9-синф, 20 нафар 10-синф, 16 нафар 11-синф ўқувчилари республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганди. Улардан 6 нафари фанлар олимпиадасининг республика босқичида ғолиб бўлиб, тест синовларисиз олий ўқув юртига им-

— Ўқув муассасаларида таълим самарадорлигини оширишга қаратилган кўшимча тадбирлар уюштириш, ўқувчиларда умумтаълим фанларини ўрганишга қизиқтиришни кучайтириш, уларнинг давлат таълим стандартлари талаблари даражасида билим олишига эришиш, бу борада мактаб раҳбарлари, услубчилар, ўқитувчиларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида халқ таълими бошқармасининг умумтаълим мактабларида фанлардан иқтидорли биттирувчи ўқувчилар беллашувини ташкил этиш тўғрисида махсус буйруғи чиқарилиб, унинг ижросини таъминлаш мақсадида қатор вазифалар амалга оширилди.

Натижада еттита фан бўйича мактабларнинг жамоалари шаклланиб, шаҳар ва ту-

ман халқ таълими бўлимларида тузилган жадваллар асосида мактаблараро беллашувлар бошлаб юборилди. Ушбу тадбир ўқувчи ва ўқитувчиларни, мактаб раҳбарлари ва оналарни янада изланишга ва юқори натижаларни қўлга киритиш учун ҳаракат қилишларига замин яратмоқда. Фарзанд тарбиясига бефарқ бўлмаган ота-оналар албатта, ўзлари хоҳлаганидек ёшларнинг чуқурлаштирилган тахсил олишини исташади. Шу сабабли бугунги кунда ихтисослашган мактабларда ўқувчи ва ўқитувчиларни танлов асосида қабул қилиш, ҳар бир дарснинг, таълимнинг техник воситалари, кўргазмали куроллар, бошқа кўшимча адабиётлар ва интерфалс усулларни қўллаган ҳолда ташкил этиш энг долзарб масала этиб қўйилган.

Қилинаётган ишлар самараси ўлароқ, Иштихон туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактабнинг 10-синф ўқувчиси Бехзод Дониров 2008 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кимё фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадасининг бронза медали билан тақдирланди. Шунингдек, 1-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Бехзод Дониров 2008 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кимё фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадасининг бронза медали билан тақдирланди. Шунингдек, 1-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Бехзод Дониров 2008 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кимё фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадасининг бронза медали билан тақдирланди.

Таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири педагог ҳодимларга узлуқсиз методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш эканлигини инобатга олиб, мазкур масалани тубдан яхшилаш чора-тадбирлари кўриб борилмоқда. Ҳисобдорлик мажбурияти тизимини яратиш ва режали иш юритишни таъминлаш мақсадида очик дарслар орқали ўқитувчилар касб маҳорати ва ўқувчилар билимини аниқлаш каби вазифалар ихроси доирасида назоратимизда. Раҳбарият топшириғи асосида шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари, вилоят таълим маркази, вилоят педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларидан фан ойлукларини самарали ўтказиш чора-тадбирлари кўриб борилмоқда.

— Ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини мунтазам назорат қилиш, уларни миллий истиклол гоялари руҳида тарбиялаш бугуннинг энг долзарб вазифаларидан бири. Шундай

"Йилнинг энг яхши мактаби" кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб, деб топилган Самарқанд туманидаги 2-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби мазкур кўрик-танловнинг Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган республика босқичида Фахрли 3-ўринни эгаллади. "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг республика босқичида Жомбой туманидаги 7-мактабнинг ихтисослаштирилган мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Дилафруз Убайдова.



Тойлоқ туманидаги 57-ихтисослаштирилган мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Дилафруз Убайдова.

дан келиб чиқиб, ўтган ўқув йилида бу борада қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, таълим муассасаларида ота-оналар билан ҳамкорликни яхшилаш ишларига эътибор янада кучайтирилмоқда. Жорий йилнинг 20 апрель кунини барча таълим муассасаларида ўтказилган оталар мажлиси таълим-тарбия жараёнига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Ўқув йили давомида умумтаълим мактабларида намунали китоб тақдимотларининг ўтказилиши ўқувчилар маънавияти ва маданиятини юксалтиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Бошқарма тасарруфидаги ўқув тарбия мажмуаси, ўқувчи-ёшлар техник маркази, ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази қатор йиллардан буён республика рейтингини биринчи ўринда бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бир сўз билан айтганда, буларнинг барчаси таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўлидаги изланишлар, қилинаётган ишларимиз маҳсулидир. Ёшларимизнинг чуқур билимга эга бўлиши, мамлакатимизнинг эртаси, келажакнинг чинакам ворислари бўлиши учун эса барчамиз тинимсиз меҳнат қилишимиз талаб этилади. Чунки, ёшлар тарбиясига барча-барчамиз масъулмиз.

эмасми?

— Албатта, озод ва обод ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни авайлаб-асраш, ёш авлод қалби ва онгига, она юртига бўлган муҳаббат туйғуларини чуқур синдириш бугун тарбиявий ишмиизнинг асосий мазмунини ташкил қилади. Шулар-



Тойлоқ туманидаги 57-ихтисослаштирилган мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Дилафруз Убайдова.

дан келиб чиқиб, ўтган ўқув йилида бу борада қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, таълим муассасаларида ота-оналар билан ҳамкорликни яхшилаш ишларига эътибор янада кучайтирилмоқда. Жорий йилнинг 20 апрель кунини барча таълим муассасаларида ўтказилган оталар мажлиси таълим-тарбия жараёнига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Ўқув йили давомида умумтаълим мактабларида намунали китоб тақдимотларининг ўтказилиши ўқувчилар маънавияти ва маданиятини юксалтиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Бошқарма тасарруфидаги ўқув тарбия мажмуаси, ўқувчи-ёшлар техник маркази, ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази қатор йиллардан буён республика рейтингини биринчи ўринда бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бир сўз билан айтганда, буларнинг барчаси таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўлидаги изланишлар, қилинаётган ишларимиз маҳсулидир. Ёшларимизнинг чуқур билимга эга бўлиши, мамлакатимизнинг эртаси, келажакнинг чинакам ворислари бўлиши учун эса барчамиз тинимсиз меҳнат қилишимиз талаб этилади. Чунки, ёшлар тарбиясига барча-барчамиз масъулмиз.

Убайдулла ХҲЖАНИЕЗОВ суҳбатлашди.

Адвокатура институтининг нуфузи ошмоқда

Истиқлол йилларида адвокатура тизими тубдан ислох қилиниб, унинг мустақиллигини таъминлайдиган ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги "Адвокатура тўғрисида"ги, 1998 йил 25 декабрдаги "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонуни ва бошқа ҳимоя ҳуқуқи бўлиб боғлиқ қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Давлат органларининг адвокатура идоралари ички ишларида аралашувига чек қўйилиб, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш учун малака имтиҳонларини қабул қилиш бевожуба адвокатларнинг тенг иштироки билан амалга оширилади-деган бўлди. Шунингдек, вилоятларда, шаҳарларда адвокатлар ҳайъатлари, фирмалари ва бюролари тузишга руҳсат берилди. Бундан ташқари, адвокатларнинг жамиятдаги маънавий мустаҳкамланиб, уларнинг фаолияти, ижтимоий муҳофазаси давлат томонидан кафолатланди.

Республикамиз Президенти томонидан 2008 йил 2 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институти тўғрисида"ги қонун ва 2008 йил 20 июндаги "Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмининг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши соҳа вакилларига янада кенг имкониятлар яратди. Шу билан бирга, ушбу Фармон ва қарор билан келгусида адвокатларнинг олдига турган бир қатор муаммолар, яъни адвокатнинг қонуний процессуал мустақиллиги ва ишда томонлар тенглиги тамойилини таъминлаш шартлиги қайд этилиб, фуқаролик жамиятининг асосий ва муҳим институти ҳисобланган адвокатура зиммасига инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ вазифанинг масъулиятли эканлиги таъкидланган дейиш мумкин.

Эътироф этиш жоизки, ҳозир вилоятимизда фаолият кўрсатиб келаётган Адвокатлар ҳайъати раёсати сони битта, адвокатлик фирмалари сони ўн тўртта, адвокатлик бюролари сони қирқ тўртта ташкил этиб, уларда 235 нафар адвокат жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиб келмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида тергов ҳаракатлари ва суд ишлари кўришда таъинлов асосида 693 та ҳолатда адвокатлар иштироки таъминланган, 717 та ҳолат-

да адвокатдан воз кечилган, 1372 та ордер берилиб, туланиши лозим бўлган 8,9 млн.сўм маблағдан 5,1 млн.сўм туланган. Вилоят адлия бошқармасининг 2008 йил биринчи ярим йиллик иш режасига асосан туман ва шаҳарларда ўтказилган урганлиларда адвокатлар томонидан тергов жараёни ва суд ишлари юртида кўрсатилган юридик ёрдам учун маблағларни тўлаб бериш туман-шаҳар молия бўлимлари томонидан амалга оширилмай келинаётганлиги аниқланди. Бошқарма-миз таклифига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 16 июндаги "Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокат томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳаракатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида"ги 297-қарорига асосан шаҳар ва туманларда адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам эвазига юзага келган қарздорликларни қоплаш учун вилоят маҳаллий бюджетининг 2008 йил 1 январь ҳолатига сақланган эркин қолдиқ маблағи ҳисобидан 19,9 млн. сўм миқдорда маблағ ажратилиши тўғрисида вилоят ҳокимининг 2008 йил 3 мартдаги 46-фармойиши қабул қилинди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида вилоят адлия бошқармаси ва вилоят адвокатлар ассоциацияси билан ҳамкорликда вилоятдаги адвокатлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида тўрт марта семинар машғулотлари ўтказилиб, Президентимизнинг қарор ва Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти, ижроси ва амалиётдаги муаммолар ва тақлифлар муҳокама этилди.

Мамлакатимизда адвокатура соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини ҳар томонлама қонуний ва мустаҳкам ҳимоя қилинишига эришиш, адвокатларнинг касб маҳоратини ошириб бориш, юридик ёрдамнинг самарали бўлишига муваффақ бўлишдан иборатдир. Зеро, Президентимизнинг юқоридаги Фармонида асосан Адвокатлар ассоциацияси негизда барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган Адвокатлар палатаси ташкил этилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида унинг ҳудудий тузилмалари билан биргаликда адвокатларнинг ягона ўзини ўзи бошқарадиган тизимини ташкил этиши белгилаб берилди.

Салоҳиддин САТТОРОВ, Тошкент вилоят адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари.


Ҳурматли юртдошлар!

“ А С А К А Б А Н К ”

давлат акциядорлик тижорат банки (ОАЖ) жамоаси

мамлакатимиз аҳолисини бугун нишонланаётган ҳидоятли айём — Ийд Рамазон ҳайити ҳамда 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами муносабати билан барча устозлар ва мураббийларни қизгин муборакбод этиб, самимий тилакларини изҳор этади. Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларингизда зафар ёр бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз ҳалиша мусарфо бўлсин, ҳар бир хонадонга осойишталик, қут-барока тилаймиз!



Таълим сифатини ошириш — бош мезон

Мамлакатимизда янги жамият барпо этишининг барча қирраларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ҳар қандай ҳуқуқий жамиятнинг юритувчи кучи — инсонга, унинг ҳазрати инсон бўлиб этишига қаратилган. Негаки, ҳар қандай давлатни бошқарадиган, ривожлантирадиган, уни юксакликларга олиб чиқадиغان куч — инсон, шу жамият аъзолари, уларнинг юксак маънавияти ҳисобланади. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига "Маънавиятни тушуниш, англаш учун, аввало, инсонни тушуниш, англаш керак" эканлиги алоҳида таъкидланган. Жамият аъзоларининг ажралмас қисми эса ёшлардир. "Ёшлар йили" Давлат дастурининг шiori: "Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, балки бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир". Ана шу ҳал қилувчи кучни буюк ишларга тайёрлаш, йўналтириш ҳаммининг, жумладан таълим тизимининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Таълим тизимини ислоҳ этиш давлатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошланган эди. Хусусан, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури қабул қилинганлиги фикримизнинг далилидир. Утган давр мобайнида шу асосда барқарор узлуксиз таълим тизими яратилиб, миллий таълим-тарбия тизимига асос солинди. Замонавий мактаблар, касб-хунар коллежлари, уларнинг жиҳозланиши, ўқув-лаборатория жиҳозлари, илгор педагогик технологиялар, техник воситалар барчаси ёшларга, уларни етук кадрлар қилиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Маълумки, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси доирасида ҳозир сифат босқичи давом этмоқда. Қадрлар тайёрлаш сифатига алоҳида эътибор қаратиш, унинг системали бўлишига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Таълим узлуксизлигини таъминловчи бўғинлар: мактабгача таълим даргоҳлари, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларида утган давр мобайнида олиб борилган ишларни сарҳисоб қилиб, таълим-тарбия беришининг бугунги даврга мос стандартлари, таълим йўналишлари, мутахассисликлар тайёрлашга ўтиш, мутахассис кадрлар тайёрлаш, таълим алоҳида масалалари ва моддий-техник базани вужудга келтириш, илгор педагогик технологиялар билан қуролланиш, замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъмин-

ланиш ҳисобланади. Ахборот технологияларидан фойдаланишни янада кучайтириш ва мукамаллаштириш кадрлар тайёрлаш сифатига ижобий таъсир этадиган воситалардан биридир.

Олдимишга қўйилган вазифаларни ҳал этишда педагог кадрларнинг ўрни, уларнинг салоҳияти, қолаверса, маънавияти муҳим аҳамиятга моликдир. Ҳўш, биз уларнинг салоҳиятини ошириш борасида қандай ишларни амалга оширяпмиз? Биринчидан, малака ошириш курслари йўлга қўйилган ва иккинчидан, аттестациядан ўтказяпмиз. Тақдиротлар ташкил этиляпти. Кадрлар салоҳиятини оширишнинг бошқа самарали усулларидадан фойдаланишимиз, шу билан бирга масъулиятини ошириш йўллари кидиришимиз ҳам Миллий дастурнинг сифат босқичи вазифаларидан биридир.

Таълим муассасаларининг асосий вазифаси — таълим ва тарбия эканлигидан келиб чиқиб, ўқувчи меҳнатига баҳо бериш, ҳақ тўлаш, уни рағбатлантириш орқали ҳам масъулиятни ошириш мумкин. Бугун таълим тизимида кузатилаётган кадрлар кўнимсизлиги муаммолари ҳам шу масалага бориб тақалишини англаб этиш қийин эмас. Шу маънода, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимларини такомиллаштириш, моддий рағбатлантиришни кучайтиришга бағишланган қарорлари ўз вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжатлар ҳисобланади. Енгил меҳнат эвазига яхши яшашдек нотўғри, бугунги жамият ривожига салбий таъсир этадиган онг ва у орқали шакланган тушунчадан

уларни ҳимоя қилиш, ёшлар онгига оддий орзуларга ҳам фақат ва фақат тинимсиз меҳнат орқалигина эришилиши мумкинлигини шакллантириш талаб этилади. Бу масалага "Юксак маънавият — энгилмас куч" китобида алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас. Асарда таъкидлангандек, бу борада оила, маҳалла ва таълим тизимининг масъулиятида таълим тизимида ёшлар тарбиясининг қандай сифат кўрсаткичларига эътиборни кучайтириш талаб этилмоқда? Биринчидан, индивидуаллик тамойилга асосланган ишлар мазмун-моҳиятини кучайтириш билан ўртамаиёна ёшларни фол ёшлар сафига тортиш, уларда ўзига, ўз кучига ишонши ҳиссини шакллантириш, уларнинг фаолиятини нафақат танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиш, балки рағбатлантирувчи хулосалар чиқариш билан ўз устида ишлашга ундаш принципларини йўлга қўйиш лозим.

Иккинчи бир муҳим жиҳат, ёшларнинг мустақил фикрлаш кўникмаларини кучайтиришга қаратилган ўз фикр-мулоҳазаларини қозоғга тушириш, уни изҳор этиш, яъни нотиклик маҳоратини ривожлантириш, унинг устида ишлаш масалалари таълим тизимида бироз оқсаётганлигини кузатиш мумкин. Тажрибалар шунки кўрсатадики, ёшлар ўзишдан бирмунча «чиқиб кетган», уларда билганларини тушунтира билиш, баён қилиш кўникмалари етарли даражада шаклландиролмоқда. Шу сабабдан таълим тизимининг

барча бўғинларида ёзма ишлар ва оғзаки мулоқотларни янада кучайтириш масалалари долзарб ҳисобланади.

Яна бир муҳим жиҳат — таълим ва тарбия жараёнида ёшларнинг фикрларини, уларнинг қизиқишларини, қарашларини, қолаверса, орзу-истакларини эшитиш кўникмаларини шакллантириш жараёнига бўлган эътиборни кучайтириш ҳисобланади. Бу масала ҳам кўп гапирилади, лекин амалий ишлар кам. Ўқитувчилар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш масаласини ўйлаб кўришимиз, онгимизда ёш бола билан эмас, жамиятимизнинг тенг аъзоси билан мулоқот қилишман, деган фикр ҳукм суришига эришишимиз даркор. Президентимизнинг юқорида номи кайд этилган китобида Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романидаги қаҳрамонлар муомаласи намуна сифатида талқин этилган. Бу бежиз эмас, албатта. Талабага юқоридан келсангиз, овозингиз баланд чиқса, албатта у ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилолмастлиги, ўзининг қобилияти, билими, савиясини намойиш эта олмастлиги мумкин.

Таълим жараёнида мустақил дарсларга эътибор қаратилмоқда ва бу борада муайян ишлар амалга оширилиб, таъриба тўпланмоқда. Аудитория соатлари босқичма-босқич камайитирилиб, талабаларга мустақил ўз устида ишлашга кенг ўрин берилганлигида фаолият, албатта эътиборли. Маърузалар йўналтирувчи хусусиятга эга бўлиши, уларда таҳлилий масалалар кўтарилиши, муаммолар илмийлиги, кўп вариантли ечимлар ҳосиласи ва натижалар қиссийлиги билан баҳолашни тарзда ташкил этилиши билан биргаликда кенг миқёсда бўлиб, ҳар бир кўтарилган оддий масаланинг ҳам глобал аҳамият ҳамда ечимга эга эканлигини қамраб олиши давр талаби эканлигини тушуниб этишимиз зарур.

Институтимиз битирувчиларининг битирув-малакавий ишлари сифати, уларнинг малакасини ўрганиш таърибаси юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди.

Аксарият ёшларимиз мавзу танлашнинг мақсади, унинг мазмун-моҳияти, қабул қилинган ечимлар вариантлари, ишлаб чиқаришга тақдим этилаётган хулоса ва тақлифларини тизимли тушунтириб беришга қийналишади. Масалани ҳукумат қарорларига боғлаш, долзарблигини асослаш борасида ҳам баъзан нуқотикларга дуч келинади. Нима учун шундай деган савол тугилади. Малака оширишда ушбу масалаларга ургу берилмаётганлиги ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда назаримда. Талабаларга савол берсангиз жавоб қайтаришади. Жавоблар ҳам қисқа ва тўтук бўлган ҳоллар кўп учрайди. Баъзан саволга батафсил, шовилмасдан жавоб қайтариш таърибаси этишмайди. Бу нотиклик маҳорати устида ишлашимиз зарур деган хулосани беради. Бундай таърибани талаба маърузаларда олади, шунда унинг онгу тафаккури шаклланади. Демак, маърузаларга бўлган талаблар устида ҳам ишлашимиз зарур. Маърузалар салмоғи эмас, балки сифати муҳим. Унда педагогик технологияларнинг онг сўнгги ютуқлари, ахборот технологияларининг мукамал вариантлари фойдаланилиши кўзда тутилишига эришиш лозим.

Ёшларимиз жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдек вазифани ҳаётга татбиқ этишда ҳам таълим-тарбия тизимининг масъулияти юқори. Бизнинг мақсадимиз унинг тафаккурида мен жамиятга қандай хизмат қилолмоқчиман, деган гоёни шакллантиришдан иборат. Бугун мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор, уларнинг ўқиши, яшashi, ижтимоий масалаларининг ҳал этилиши борасидаги саъй-ҳаракатлар уларни шу рўҳда тарбиялаши лозим. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичида таълим сифатини ошириш ҳаммамиз учун ҳам бош мезон ҳисобланади. "Ёшлар йили" Давлат дастурининг вазифалари ҳам ушбу мезонга ҳамохандир.

Муродулла НОРМУРОДОВ,
Қарши муҳандислик
иктисодий институтининг
ректори, Олий Мажлис
Сенати аъзоси.

Бой берилган
фойда ундирилади

(Бошланғич 1-бета.)

Коровулбозор трактор парк тўлиқ ширкати томонидан тасдиқланган 207-сонли далолатномада кўрсатилишича, Коровулбозор МТП томонидан 2003 йил июль ойида "Темур Мурод" хусусий бўрдоқчилик фермасининг 23,8 гектар майдони "Кейс" комбайни билан бажарилган иш учун 1132799 сўм ҳисобланган.

Коровулбозор туман ҳокимлиги вакили, дон ҳосили ўрими-йигимини ташкил этиш ва назоратни олиб бориш гуруҳи раҳбари, туман ҳокими ёрдамчиси Д.Неъматов, Коровулбозор МТП ДАЖ ҳисобчиси Ф.Ражабов, МТП вакили Н.Назаров, туман ҚСХБ ҳосилоти Н.Азимов ҳамда хусусий бўрдоқчилик фермаси вакиллари иштирокида тузилган 2003 йил 5 августдаги далолатномада хусусий ферманинг 11 гектар ер майдонидаги дон комбайнида ўрилганлиги, қолган 9 гектар майдондаги галла ўрилганлиги оқибатида дон маҳсулотини тўқилиб, нобуд бўлганлиги кўрсатилган. Юқорида кайд этилган шартномада 2003 йилда "Темур Мурод" хусусий бўрдоқчилик фермасининг жами 20 гектар ер майдонида бошоқли дон экилганлиги қайд этилган. МТП томонидан расмийлаштирилган далолатномаларда 23,8 гектар ер майдонидаги галла ўриб олинганлиги, бажарилган иш учун хусусий ферма ҳисоб рақамидан 1132799 сўм ундириб олинганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддасига асосан агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилишга ҳақли. Коровулбозор тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими ҳосилоти Н.Азимов томонидан 2003 йил 6 августда берилган хулосада ҳам Коровулбозор тумани МТП ДАЖ комбайнлари "Темур Мурод" хусусий бўрдоқчилик фермасига қарашли 11 гектар ер майдонидаги бугдойни ўриб, 9 гектар ер майдонидаги бугдойни ўрмасдан кетганлиги сабабли 27 тонна дон маҳсулотини нобуд бўлганлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди кассация инстанциясининг 2008 йил 3 сентябрдаги қарори билан 2008 йил 19 майдаги ҳал қилув қарори қисман ўзгартирилиб, Коровулбозор тумани МТП ширкатидан "Темур Мурод" хусусий бўрдоқчилик фермаси фойдасига 5265000 сўм бой берилган фойда, 609232 сўм ортиқча ундирилган сумма, жами 5874232 сўм ундириш белгиланган.

Х.ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси
бўлим бошлиғи, адлия катта
маслаҳатчиси.



MIKROKREDITBANK

"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки жамоаси

"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат
банки аҳолининг моддий
манфаатдорлигини ошириш мақсадида
жисмоний шахслар учун бирмунча
қулайликларга эга бўлган

"Истиқлол",
"Она юрт",
"Ёшлик",
"Омад",
"Муддатли-мақсадли",
"Антиқа",
"Иқбол",
"Нурафшон",
"Мафтункор",
"Тақдим этувчига",
"Сармоя",
"Шифокор"

сингари кўплаб омонат турларини
таклиф этади.

Омонатга қўйилган маблағингиз
Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг банклардаги
омонатларини кафолатлаш фонди томонидан
кафолатланган.

Кўшимча маълумотларни куйидаги телефонлар орқали
олишингиз мумкин:
Тошкентда: (8371)273-28-11, 273-43-11, 273-15-81
100096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси-14



Кимки ҳаёт шаъмин илм ила ёқди...

(Бошланғичи 1-бета.)

Бугунги педагог ўқувчига фақат фанлардан сабоқ ўтибгина қолмайди, балки унга ижтимоий ва ҳаётда асқотадиган билимларни бера олади. Шундай қилсинки, ўқувчи турли-туман ахборотлар оқими ичра ўз мақсадидан чалғимасин, зарарли иллатлардан чекиншига ўзида куч топа олсин, ҳар хил гуруҳларга қўшилиб йўлидан адашмасин. Замоनावий билимларни чуқур эгаллаган ўқувчига ҳаётни қадрлайди, эртанги кунни қалб кўзи билан кўра билади, дунёвий ва диний билимлар моҳиятини тўғри аналеди.

Мавзуга тегишли бир гап. Анча йиллар бурун ёзувчи Саид Аҳмаднинг етмишинчи йилларга яқин қадимий Бухорога боргани ва қўхна Лаби Ҳовуз атрофида ўтирганини хотирлаб ёзган мақоласини ўқигандим. "Бу жой илгариги Лаби Ҳовузга ўхшамасди, — дейилганди ўша мақолада. — Девонбеги мадрасаси пештоқига ўрнатилган кучли радиокорнайдан янграётган беҳаё ва атеистик кўшиқлар Бухорои шарифга ёзни бошлаб келадиган олпоқ, художўй лайлакларни қувиб юборган эди. Биз дароҳ танасига миҳланган "Дин халқ учун афюндир!" деган ёзуви бор тахтача тагида ўтирибмиз. Суҳбатимиз ҳеч қовушмасди. Кўнгилда ноҳуш таассуротлар ва минг афсуслар билан Лаби Ҳовуздан узоклашдик..."

Чиндан ҳам у кезларда ислом дини илмини ўрганаётганлар таъқибга олинар, замонга зилли боис мансабдаги зиёлилар хатто яқинларининг дафн маросимларига яширинча боришарди. Мақабларда ҳам диннинг зарари ҳақида болаларга тинмай ўқитиларди. Мана, ордан кўп йиллар ўтиб, озодликка эришдик. Эндиликда мақаблардаги таълим-тарбия буткул янгамал билим берувчи мактабу муассасалар сафи кенгайиб, таълим сифати яхшиланди. Бугунги кунда юртимизда ўн мингдан ортиқ мактаблар мавжуд бўлиб, аксарияти умумий таълим, бошланғич таълим, мактаб-санаторий, таянч мактаб, махсус ёки фанларни чуқур ўргатадиган мактаблар, шунингдек академик,

ихтисослашган лицей ва касб-хунар коллежларидир.

Уларнинг барчасида ўқувчиларга асосий фанлар каторида дин тарихи, диншунослик ва иқтисодий асослари фанидан ҳам сабоқ берилди. Истиқлол даврида кўлаб улғу алломалар, тариқат пешволари, муҳаддислар, шайхул машоиху пиру муршидлар номлари қайта тикланди, ётган масканлари муқаддас қадамжоларга айлантилди. Шу ўринда айтиш жоизки, ислом дини кишиларни ҳалол меҳнат қилишга, илм-фан ўрганишга, касб-кор эгаллашга, тежамли, меҳрли, шафқатли бўлишга ундайди. Ислам дини пешволарининг айтишича, муқаддас Куръони каримда "илм" сўзи 754 жойда тилга олинган. Хадисларда "Илм ибодатдан афзал", "Илм олиш ҳар бир мўмин учун фарздор", "Ешликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабудур", "Илм туйғайли одамлар ҳақ ва ноҳақни, ҳалол ва ҳаромни ажратишда, адолатли бўлишда" сингари кўлаб ўғитлар келтирилади.

Таълим-тарбия жараёнидаги улкан ўзгаришлар педагоглар зиммасига янги-янги вазифаларни юкларди. Таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш, чуқурлаштириш, тақомиллаштириш учун педагог ижодкорона маҳоратга эга бўлиши зарур. Зеро, 1997 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва "Қарлар тайёрлаш Миллий дастури"нинг мазмунида ҳам "таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлашни давом эттириш, янада бойитиш, ривожлантириш, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илгор педагогик технологиялар билан таъминлаш ҳамда "таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув-услубий мажмуалар, илгор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш каби долзарб вазифаларни ижобий ҳал этиш лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, таълим-тарбия масканларида мустақиллигимиз гоёлари, бой маънавий меросимиз ҳамда миллий қадриятларимизнинг кенгрок тарғиб қили-

нишига эътибор қаратилаяпти. Бу борада Президентимиз жамият мафқурасида юрт гоёсининг устувор бўлиши, миллий гурур ва миллий ифтихор туйғуларини ҳар қандай ишмишда пойдевор вазифасини ўташ лозимлигини таъкидлаган.

Аслида она юрт тупроғида яшаб ўтган улғу зотларнинг бариси биз учун устоз ўрнидадир. Улар ҳозирги авлодларга айтар сўзларини бир ҳовуч жавоҳир сингари мерос қилиб қолдирган. Ҳикматли сўзлари мазмунини тушуниб етганимиз сайин қалбларимиз ичи жавоҳир шуъласидан тобора ёришмоқда. Минг йиллар илгари яратилган "Авесто"дан то "Қутадуғ билиг"гача, ҳамма-ҳаммасида инсонни юксакларга кўтарувчи нарса билим эканлиги таъкидланади. Юсуф Хос Ҳожиб ҳазратлари айтмишлар:

**Ўқув қайда бўлса
улғулик бўлар,
Билим кимда бўлса
буқулик олар.**
Мирзо Абдулқодир Бедил эса шундай ёзадилар:

**Кимки ҳаёт шаъмин
илм ила ёқди,
Ҳаёти асрлар сўнмади,
балқиди!**

Ҳар икки аллома ҳам устозлар ҳаётининг бардавомлигини баҳорат қилгандек, гўё. Чиндан ҳам устозлик йўли — саодат йўли. Устозлар зиммасидаги масъулият ва мажбурият шу қадар улкан ва шарафли! Бизнингча, улар эртанги куннинг ҳар жиҳатдан баркамол кишиларини тарбиялайди, камолга етказди, шу билан бирга янги жамият ривожига ҳам ўз хиссаларини қўшади. Уларнинг бундай меҳнати билан ҳар қанча фахрлансак арзийди!

Иш столим устидаги устоз сураганига боқаман. "Устоз деган номни улуғлаб яшаган Сиз сингари қалби илм-зиёга тўла, меҳридарё кишилар юртимизда жуда-жуда кўп. Уларнинг кўплиги учун ҳам давлат тараққиёти кун сайин илгарилар бормоқда", дея пичирлайман. Шу сўзларимдан сўнг устоз сиймоси гўё жонлангандек, чехраси янаям ёриш кетгандек бўлади.

Устозларимиз ўрни эса ҳаммаша қалбларимиз тўрида, биз уларга ҳаммаша эҳтиром билан баш эгамиз.

Гулчехра ЖАМИЛОВА

АНЖУМАН МЕДИАФОРУМ — ҳамкорликни мустаҳкамлайди

Ахборот асри деб ном олган ҳозирги асримизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ахборот коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларининг жамият тараққиётидаги ўрни, медиа-тузилмалар ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг замоनावий йўлларини муҳокама қилиш, миллий журналистиканинг энг яхши анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш мақсадида манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда анъанавий равишда турли анжуманлар ва тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Республика Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниеси ва Фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий маркази, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва бошқа қатор тузилмалар билан ҳамкорликда кун кеча ўтказилган медиафорум маҳаллий ҳамда хорижий журналистларда катта қизиқиш уйғотди.

Анжуман иштирокчилари дастлаб ишни пойтахтимиздаги истиқлол рамизи бўлган «Мустақиллик ва Эзгулик» монументига гул қўйиш, Шаҳидлар хотираси майдони ва Ҳазрат Имом мажмуаларини зиёрат қилиш, ахборот коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ташкиллаштирилган кўргазма билан танишиш билан бошлади.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг ҳудудий бўлиmlари билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб ўтказилган "Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни" мавзусидаги семинарнинг якуний босқичида кўрилган масалалар ҳам инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, демократик янгиланиш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини ошириш ва улар фаолиятининг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали аҳолининг кенг қатламларига етказиш борасида кўтарилган долзарб муаммолар муҳокамага қаратилди.

Медиафорумнинг иккинчи кунини Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда "Ҳозирги босқичда ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб вазифалари" мавзусига бағишланди. «Ешлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилаётган кенг қамровли тадбирлар аянқиса эътиборга молиқлигини юқорида бежиз таъкидламадик. Негаки, унинг бевосита қўллаб-қувватлаши билан "Келажақ овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳудудий бўлиmlари қосида "Келажақ-пресс" ёшлар матбуот маркази ташкил этилган. Марказнинг мақсади "Ўзбекистон маданияти ва санъат форуми" жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган "Келажақ овози" республика кўрик-танловини ёшлар орасида тарғиб қилиш, унинг иштирокчилари ва голиблари ютуқларини оммалаштириш, ҳудудлардаги журналистикага иқтидори бор ижодкор ёшларни жалб этишдан иборат.

Медиафорумнинг тақдимот маросимида Фонднинг веб-сайтлари ишини энг яхши йўлга қўйган босма нашр тахририятларига сертификатлар, қимматбаҳо совғалар топширилди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

Яқинда Жиззах вилояти Зомин туманидаги 45-умумтаълим мактабининг янги ўқув биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур таълим маскани 237 ўринга мўлжалланган бўлиб, бунёдкорлик ишлари "Жиззах комунал қурилиш" фирмаси жамоаси томонидан амалга оширилди.

Қишлоқ ўқувчиларига совға

— Янги ўқув йилида 16 та умумтаълим мактаби қайта реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилди, — дейди туман халқ таълими бўлими mudiri мудири вазифасини бажарувчи Муроджон Йўлдошев.

— Масалан, Муғол қишлоғидаги 45-умумтаълим мактабининг янги ўқув биноси бу ерга кўрк бағишлади. Кенг ва ёруғ синф хоналари, барча замоनावий жиҳозлар билан таъминланган фан кабинетлари, компьютер хоналарида сабоқ олаётган ўқувчиларнинг қувончлари чексиз.

Норкул МАЪМУР,
журналист.

Замоनावий туғуруқ мажмуаси

Фаргона вилоятининг Охунбобоев тумани асосан чўл ҳудудида жойлашган ўн олти қишлоқни ўз тасарруфида олган. Соғлиқни сақлаш тизимини тақомиллаштириш ва тиббий хизматни замоनावий талаблар даражасига кўтариш Давлат дастури жадал амалга оширилаётганини ана шу қишлоқлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, олий тоифали ҳақим Авазбек Ганиевнинг башорат қилгандек, гўё. Чиндан ҳам устозлик йўли — саодат йўли. Устозлар зиммасидаги масъулият ва мажбурият шу қадар улкан ва шарафли! Бизнингча, улар эртанги куннинг ҳар жиҳатдан баркамол кишиларини тарбиялайди, камолга етказди, шу билан бирга янги жамият ривожига ҳам ўз хиссаларини қўшади. Уларнинг бундай меҳнати билан ҳар қанча фахрлансак арзийди!

Иш столим устидаги устоз сураганига боқаман. "Устоз деган номни улуғлаб яшаган Сиз сингари қалби илм-зиёга тўла, меҳридарё кишилар юртимизда жуда-жуда кўп. Уларнинг кўплиги учун ҳам давлат тараққиёти кун сайин илгарилар бормоқда", дея пичирлайман. Шу сўзларимдан сўнг устоз сиймоси гўё жонлангандек, чехраси янаям ёриш кетгандек бўлади.

Устозларимиз ўрни эса ҳаммаша қалбларимиз тўрида, биз уларга ҳаммаша эҳтиром билан баш эгамиз.

монавий туғуруқ мажмуаси фаолият кўрсата бошлади. Ҳомиладор аёллар хасталиғи, туғуруқ, ҳикоя қилишча, яқин вақтларда бу атрофларда энг замоनावий аппаратлар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шинам, озода поликлиникалар ҳамда шифохоналарни тасаввур қилиш қийин бўлган. Бугун маҳаллий аҳолига 180 нафар олий тоифали ва малакали шифокорлар беминнат хизмат кўрсатишмоқда. Кўп тармоқли марказий шифохона таркибига янгича андозаларда қурилган қишлоқ врачлик пунктлари, шовишчи тиббий ёрдам бўлими, стоматология поликлиникаси ва Саломатлик маркази ҳам бириктирилган.

Тумандаги тиббий хизмат кўрсатиш нуқталарини қайта янгилаш, уларни замоनावий техник жиҳозлар билан таъминлаш, шифокорлар малакасини ошириш ишлари изчил давом этаётди.

Солиҳ КАҲҲОРОВ,
"Хуррият" мухбири.

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси жамоаси

юртдошларимизни муборак айём —

Рамазон ҳайити,

мамлакатимиз зиёлиларини

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар

кўни билан қин қалбдан табриклайди.

Ватанимиз ҳалишма тинч бўлсин,

Она юртимиздан кўт-барока ариласин!



ДУНЁДА НИМА ГАП?

Фарғона вилоят ҳоқимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси жамоаси

мустақил Ўзбекистонимизнинг

мунаввар келажакига муносиб авлодни тарбиялаётган

муҳтарам ўқитувчи ва мураббийларни, шу жумладан

Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда

ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари

ҳудудий бошқармаси жамоаларини


касб байрамлари билан чин дилдан

қутмайди.

Азиз устозларга ҳамиша бардамлик,
хуш кайфият ва омад йўлдош бўлсин.
Орзу-ниятларингиз рўёбга чиқаверсин!



РАМАЗОН АРАФАСИДАГИ НОТИНЧЛИК



Рамазон хайити арафасида Бағдодда яна террорчилик содир этилди. Бир кунда шаҳарнинг уч жойида учта автомобиль портлатиб юборилди. Натижада 30 нафар тинч аҳоли ҳалок бўлди, 100 нафарга яқин киши турли даражада жароҳатланди.

КЕМА КАПИТАНИ ВАФОТ ЭТДИ

Хинд океанининг Сомали давлати қирғоқларида юк кемаларнинг қароқчилар томонидан гаровга олиниши тобора оммавий тус олиб бормоқда. Сомалилик қароқчилар ўтган ҳафта Украинага қарашли “Файна” кемасини гаровга олишганди. Оммавий ахборот воситалари таркатган хабарларда айтилишича, Гаитига йўл олган кема бортида 33 та танк, артиллерия ва бошқа қурол-яроғлар бўлган.

“ЕУРЕКО” ХАРИДОР

Голландиянинг “Eureko” сугурта компанияси Россиянинг “ПромСвязьКапитал” хусусий фондида қарашли “Оранта” сугурта компаниясини сотиб олишга қарор қилди. “Reuters” хабарида таъкидлашчи, бу билан “Eureko” Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида ўз бизнесини ривожлантирмоқчи. Келишув нархи ҳозирча сир тutilмоқда.

БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АМАЛГА ОШАДИ

Германия Deutsche Post почта концерни кузатув кенгаши Postbank банкни мамлакатдаги энг йирик Deutsche Bank хусусий банкига сотиш тўғрисидаги қарорини маъқуллади. Deutsche Bank бу ишни босқичма-босқич амалга оширмоқчи. Аввал, Postbankнинг 29,75 фоиз акциясини 2,8 миллиард еврога сотиб олади.

ЯНГИ РЕЗОЛЮЦИЯ ШАРТ ЭМАС

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг йиғилишида Эроннинг ядро дастури яна муҳокима қилинди. АКШ, Буюк Британия ва Франция вакиллари Эронга нисбатан қаттиқроқ санкциялар қўллаш, ҳатто куч ишлатиш масаласини олға сурди. Лекин Россия томони бу тақлифни қўллаб-қувватламади. РФнинг БМТдаги махсус вакили Виталий Чуркин йиғилишда, аввало, Эронга нисбатан қўлланилган резолюциянинг бажарилишини назорат қилиш лозимлигини таъкидлади. Унинг қайд этишича, куч ишлатиш билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

СОҒЛИК УЧУН ХАВФЛИ

Аргентинанинг Буэнос-Айрес музофоти ҳукумати нафақат полистилен буюмлардан фойдаланишни, балки уни ишлаб чиқаришни ҳам тақиқловчи қонун қабул қилди. Икки йил давомида полистилен буюмлар қўғоз ёки бошқа зарарсиз материаллардан қилинган буюмларга алмаштирилди.

“Новосты” ахборот агентлиги хабарида айтилишича, иккундаги чора атмосферага зарарли чиқиндилар ташланганини бир неча баравар камайтиради. 2013 йилга бориб бу қонун бутун мамлакатда амал қилиши мумкин.

ИҚТИСОДДА ЎСИШ КУЗАТИЛМАЯПТИ

Европа Иттифоқи иқтисоди кутилганидан ҳам секин ўсмоқда. Бу ҳақда ЕИ молия вазирларини билаштирувчи Еврогурӯҳ раҳбари Жан-Клод Юнкер баёнот берди. Унинг таъкидлашича, вазият биргаликда қарор қабул қилишни талаб қилмоқда. Юнкер, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кредит ажратилиши масаласида Европа инвестиция банкига мувожаат қилиш ташаббусини ҳам олға сурди.

КУЧЛАРИ АЁЛГА ЕТДИ

Афғонистоннинг Қандаҳор вилоятида полициячи аёл Малалай Кака ўлдирилди. Йўлда кетаётганда унга номаълум одамлар ҳужум уюштирган. Ҳужум пайтида полициячининг фарзанди ҳам оғир тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди.

Подполковник Малалай Кака толиблар ҳукумат тепасига келгандан сўнг мамлакатни тарқ этган, режим ағдарилгандан кейин яна қайтиб келганди. Ҳозир Афғонистонда 82 минг нафардан кўпроқ полициячи бор. Лекин уларнинг бир неча юзта сизига аёллардир.

ЯНА НОРОЗИ БЎЛИШДИ

Белорусда мамлакат парламенти сайлов бўлиб ўтди. Бу умумхалқ тадбири арафасида президент Лукашенко сайлов ҳақиқий демократия намойиши бўлишини таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам, депутатликка номзодларнинг учдан бир қисмини муҳолифат вакиллари ташкил этди. Лекин дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, улар парламентадаги 110 та ўриннинг биронтасига ҳам эга бўлишмаган. Ҳатто муҳолифат раҳбарлари Каэулин ва Меленкевич ҳам парламентга сайланмаган. Шунинг учун улар мамлакат пойтахти Минскда норозилик намойиши уюштиришди. Унда бир неча юз киши катнашди.

ЕХҲТ вакиллари сайлов натижаларини ижобий баҳоламади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

САНА

Миллий университет — таянчимиз, фахримиз

Истиклол йилларида минтақамизнинг энг нуфузли илм даргоҳи бўлган Ўзбекистон Миллий университети барчанинг диққат марказида бўлди ва Мирзо Улуғбек номи билан эътироф этила бошланди. Мамлакатимиз Президент Ислам Каримовнинг 2000 йил 28 январдаги Фармонида биноан олий ўқув юртига «Миллий университет» мақоми берилиб, замонавий, дунёвий илмлар мужассамлаштирилган таълим масканига айлантирилди. Шу кундан эътиборан олий ўқув юрти тарихида янги саҳифа очилди. Шунингдек, мазкур ҳужжат буюк аҳдодларимиз, халқимизнинг азалий орзуларини рўёбга чиқарди.

Бугунги Ўзбекистон Миллий университети нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақасида ўз ўрни, салоҳиятига эга олий ўқув юртидир. Чунончи, минтақадаги илк илм-фан, маориф даргоҳларига ҳам ўз навбатида Ўзбекистон Миллий университети гоёвий раҳнамолик қилганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Айни пайтда Ўзбекистон Миллий университетида 11 минг нафардан ортқ талаба таҳсил олмақда. Сўнгги беш йил давомида олий даргоҳ олимлари томонидан олтига яқин дарслик, 350 дан ортқ ўқув қўлланмалари, 200 га яқин ўқув услубий қўлланмалар чоп этилди. Университет профессор-ўқитувчилари Москва, Санкт-Петербург ва Омск давлат университетлари, Рязань шаҳридаги Ост-Лазер маркази ва бошқа кўплаб илмий муассасалар билан самарали ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бормоқда. Булардан ташқари, Франция, Бельгия, Чехия, Хитой, Германия давлатларидаги қатор илмий муассасалар билан ҳам яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Яқинда мазкур олий ўқув даргоҳининг 90 йиллик юбилейи Юртбошимизнинг қарорига мувофиқ кенг нишонланди. Шу муносабат билан мамлакатимиз Президентини университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳамда бутун жамоасига табрик йўллади. Унда жумладан шундай сўзлар бор:

“Бу ерда фанинг муҳим соҳалари, хусусан, математика, физика, биология, кимё, геология ва бошқа замонавий тармоқлар бўйича шаклланиган илмий мактабларнинг фаолияти халқаро илмий жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилгани ва бундай изланишлар бугун ҳам изчил давом эттириляётгани, айниқса, эътиборга сазовордир”.

Шунингдек, Президентимизнинг университетнинг профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ва талабалардан бир гуруҳини давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлаш ҳақидаги Фармони эълон қилинди.

Университет юбилейининг бундай кенг нишонланиши биз учун қувончли воқеа бўлди, — дейди журналистика факультети декани, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби Қудрат Эрназаров. — Давлатимиз томонидан бундай эътибор кўрсатилиши бизга катта масъулият ҳам юклайди, албатта. Ордени билан мукофотланганим эса ҳаётимизда энг бахтли кун бўлди. Бундай юксак мукофотни мен жамоамиз номига берилган деб ҳисоблайман.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда шарафли нуфузга эга бўлган ва яқинда ўзининг 90 йиллик юбилейини нишонлаган Миллий университет, нафақат Ватанимизнинг фахрли илм маскани, қолаверса, халқимизнинг ишончи, таянчи, гурури, истиқлол таълими ва тарбиясини берадиган мўтабар даргоҳ, десак янглишмаймиз.

Олимжон КОДИРОВ



“ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ”

компанияси жамоаси

мамлакатимизнинг барча ўқитувчи ва мураббийларини
1 октябрь — касб байрамлари билан қизгин муборакбод этади.
Дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгалари бўлган
Сиз азизларга узоқ умр, оилавий хотиржамлик,
касбий фаолиятларингизда омад доимо ёр бўлсин!



МАЪНАВИЯТ

ТАДБИР

Статистика — аниқ ва ишончли маълумот

Яқинда Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан марказий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Қўмитанинг Ахборот хизмати масъул вакиллари таъкидлашганидек, биринчи марта ташкиллаштирилган ушбу тадбирда журналистларга статистик ахборот манбаларидан фойдаланиш йўллари ҳақида маълумот бериш ва бу орқали кенг жамоатчилик билан алоқани янада кенгайтириш мақсади кўзланган эди. Айтиш мумкинки, ташкилотчилар ўз ниятларига эриша олишди. Чунки баъзи анжуманлардан фарқли равишда мазкур тадбир матбуот ходимлари учун жуда қизиқарли ва керакли маълумотларга бой тарзда ўтди. Тад-

бирда айтиб ўтилганидек, нафақат журналистлар, балки оддий аҳоли ҳам Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси хизматидан фойдаланиши, яъни зарур маълумотларни сўраб муурожаат қилиши мумкин ва ўн кун муддат ичида ахборотга эга бўлиш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, www.stat.uz сайти ҳамда қўмита тақдим этаётган расмий статистик нашрлар, жумладан "Ўзбекистон рақамларда", "Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик", "Ўзбекистон йиллик статистик тўплами", "Ўзбекистонда транспорт ва алоқа" каби тўпламларда ҳам юртимиздаги жараёнлар ҳақида аниқ ва ишончли маълумотлар бор.

Гавҳар СУВОНОВА

АЙТГАНЧА

ҒАРБГА ТАҚЛИД ҚИЛИШ ЎРИНЛИМИ?

Яқинда "Ғарб оламидаги ахлоқий муаммолар" номли бир рисолада куйидаги жумлаларни ўқиб қолдим: "Бордию Ғарб кишига бирор нарса ҳақида маслаҳат берсангиз, уларнинг аксарияти дарҳол тутақиб, "Менга маслаҳат беришга қандай журъат этдингиз?" — дея ўзларини юқори тута бошлайди. Ғарблиқларнинг фикрича, бировга беғараз маслаҳат бериш ҳам унинг шахсий ишига аралашиб ҳисобланади. Бу эса қонун билан тартибга солинган".



Холбуки, Шарқ қадриятларига кўра, бировга ҳолис маслаҳат бериш чин инсонийлик ҳисобланади. Кўни-кўшничлик, қавму қариндошчиликнинг мустақамлиги ҳам бир-биримизга бўлган меҳрибонлигимиз, ҳаммаслақ бўлишимиз самарасидир. Тўю маъракалар, турли маросимлар, албатта дўст-биродарлар, кайвонилар маслаҳати билан ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Бундай ҳолис "хизмат" замирида ҳеч қандай манфаатнинг йўқлиги бутун дунё халқини, айниқса, ғарблиқларни ажаблантириши табиий. Маълумки, андишасизлик, беодоблик ёки бирон ноўрин иш қилган кишига танбех бериш миллатимизга хос фазилат. Аксинча, бирор муаммо ёки ҳаётини масалаларда, ишда маслаҳат бериш ҳам юқорида айтганимиздек, табиийки, халқимизнинг юксак қадрияти ва маданиятидан нишона.

Абдулазиз РУСТАМОВ



Шу йил табаррук етмиш ёшени қаршилаган ҳассос ижодкор Сайди Умиров ўқувчиларига ва бадий адабиёт ихлосмандларига ўзининг навбатдаги "Дорилфунунлар тақдиримда" китобини тақдим этди. Унда олим кўнглига яқин, ҳаёти ва ижоди-га, илмий изланишларига дахлдор адиб, шоир, олимларнинг ижодий портретларини яратишга, қадрдон ва таниш ижодкорлар образларини гавдалантиришга интилади.

Тақдиротчи ярим илмий, ярим адабий асарини олим кўзи билан кўриб, адиб ҳиссиётлари билан тасвирлайди. Ижод жараёнида публицист ўзи эътиқод қўйган француз адиби Сент-Экзюперининг "Воқеаларни эмас, таасуротларни ёзиш керак" ақидасига амал қилади.

Олим кўзи, адиб ҳиссиёти билан

Маълумки, ўзбек насрида устозларнинг устози саналган Абдулла Қаҳҳор ҳаёти, фаолияти, маҳорати, инсоний қирралари ҳақида ёзишга жазм этаркан, унга топқир олим дўсти Иристой Кўчқортоев ҳамда адибнинг рафиқаси Кибрийе Қаҳҳоровалар яқин кўмакчи бўлганларини миннатдорлик билан эслайди. Улуғ устоз Абдулла Қаҳҳор Сайди Умировнинг "Характер ва шароит тасвирида бадий деталнинг роли" деб номланган номзодлик диссертацияси ҳимоясида иштирок этиб, тақдиротчи ҳақида ижобий фикрлар билдирган экан. Фахр ва ифтихор туйғуларига қоришиб кетган асарни мириқиб ўқир эканмиз, Сайди Умиров ижодидида бадий деталнинг ибратли ижроси қайси манбалардан озик олганлигини кашф қилиб, кўнглимиз равшан тортади.

"Асқад Мухтор элчилари" мақоласида ҳам закий интеллект-адиб, шоир, олим таърифини ўринлатади. Кўпқиррали ижод соҳибининг, айниқса, шогирдпарварлиги бора-сида янги гаплар айтади.

Маълумки, Матёқуб Қўшжонов ўзбек адабиётшунослигида бетакор синчи олим, реалист адиб, принципаал раҳбар сифатида ном қозонган. Сайди ака қаламида олимнинг адабий ижоди унинг бадий-публицистик асарлари мисолида чуқур таҳлил қилинадики, Матёқуб Қўшжонов ижодининг бу қирраси ҳали адабиётшунослигимизда профессионал таҳлил остига олинмаган эди.

Сайди Умиров ўз шогирдлик фарзини ҳам шараф билан адо этган ҳолда суюкли домласи Солиҳ Қосимовнинг илмий меросини кенг тарғиб қилишга киришиб, "Солиҳ Қосимов — Бехўбудийшунос" мақоласини ёзган. Жадидчилик ҳаракати ва адабиёти-

нинг асосчиси Маҳмудхўжа муфтий ҳақида ўзбек адабиётшунослигида умумий маълумотлар кўп берилган бўлса-да, жадидлар сарқори ҳақида махсус тақдирот яратилмаган пайтларда бу муҳим вазифани биринчилардан бўлиб "сиёсий адабиёт" тарғиботчиси Солиҳ Қосимов амалга оширган экан. Бу ва бошқа бир қатор янги маълумотлар ҳам мақолада ўз тажассумини топган.

Адибнинг "Дорилфунунлар тақдиримда" китоби бошқа қардош адабиётлар вакилларига муносабат, дахлдорлик жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Китобга кирган "Публицист сабоқлари" мақоласи XX асрда ижод қилган ёзувчи-публицист Анатолий Аграновский асарларининг жамият ҳаётида тугган ижтимоий аҳамияти ҳақида. Аграновскийнинг матбуотдаги жасоратли, халқпарвар мақолалари миллий адабиётлар, хусусан атоқли ўзбек публицистларига ҳам йўл очиб, қанот бергандики, истиқлол-олди матбуотимизда бу жараённинг жанговар ҳолати бадий ақс этиб қолган. Аграновский асарлари — публицист сабоқлари бўлса — Сайди Умировнинг "Дорилфунунлар тақдиримда" китоби ҳам айна пайтда ўзбек публицистикаси назарияси ва амалиёти намуналари жамланмаси сифатида мамлакатимиз барча журналист ижодкорлари, миллий матбуотимиз учун ўзига хос профессионал сабоқлар — ибрат дарслари ҳисобланади.

Мен Сайди аканинг янги китобини ўқиб, тақдиротчининг нафақат публицистик ва насрий жанрлар, балки поэтик асарлар, ўзбек миллий шеърятини ҳам теран тушуниб, чуқур таҳлил қилишига тан бердим. Хусусан «Кўшчинор» мақоласида қаҳрамон шоирлар Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов, "Дўстнома"да Азим Суюн, «Улуғимсан, шоирим»да Муҳаммад Юсуф, "Қўмсаҳ"да

Машраб Бобоев, "Жилмайиб ётайин Фарғонага келиб..."да Аъзам Ўқтам каби бир-бирига сира ўхшамаган шоирлар шеърятини синчковлик ва чуқур нафосат билан таҳлил қилганки, мунаққид ҳамкасби Иброҳим Гафуровга нисбатан қўлланган "Адабиёт учун тугилган одам" таърифи бевосита ушбу китоб муаллифига ҳам тегишли эканлигига имон келтирасиз.

Сайди Умировнинг бир қатор мақолалари — "Адил қалам соҳибини" — Одил Ёқубов, "Камалак жилвалари" — Ўткир Хошимов, "Сўз мулкига саёҳат" — Пиримқул Қодиров каби ёзувчиларнинг у ёки бу асари таҳлиliga бағишланган. Айниқса, тақдиротчи Пиримқул Қодировнинг "Тил ва эл" асари таҳлиliga чуқур кириб борар экан, ўзи ҳам тилда, тасвирда, баёнда кўп сўзлар кашф қилади, устози Ғайбулла ас-Салом айтмоқчи "Сўзшунос" — яхшиликшуносга айланади.

"Дорилфунунлар тақдиримда" китоби муаллифи дунёдан ўтган айрим дўстлари — олим, шоир, ёзувчилар руҳларини ҳам шод қилиб, уларнинг ўзлари ва асарлари ҳақида ўқишди, таъсирли хотиралар битади. Варлам Шаламов — рус адибининг ноёб ҳикояларини таржима қилиб, ўзбек китобхонига етказди.

"Дорилфунунлар тақдиримда" китобига сўзбоши ёзган таниқли олим — адиблар Бойбўта Дўстқороев, Хуршид Дўстмуҳаммад ҳамкасб дўстлари Сайди Умрни обрив қилиб "Мавжланиб оқаётган дарё" деб таърифлаганлар. Ва бу тариф менимча бу инсонни яқиндан биладиганларнинг айна кўнглидаги гап. Тилагимиз сергайрат ижодкорнинг — "Мавжланиб оқаётган дарё"нинг шиддати бундан-да сарбаланд бўлаверсин.

Маҳмуд САТТОРОВ

МУТОЛАА





"ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ"

акциядорлик компанияси жамоаси





халқимизни саодатли байрам — Ҳид ол-адро Рамазон ҳайити билан кўтлайди. Ана шу муборак кунларда барчага бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик ёр бўлсин. Ватанимиз ушлаб-дешнайверсин, қалбимиздаги энг ёрқ, энг эзгу ниятлар рўёбга чиқсин.



(Боши 6-бетда.)

— Сиз узок йиллар давомида Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси, "O'zbekiston" телерадиоканали маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлари Бош мухарририясида фаолият юритаёсиз. Айтинг-чи, журналистика адабиётга катта кўприк бўла оладими?

— Бу саволга жавоб ҳар бир ижодкорнинг ўзи билан бирга. У адабиёт томон кўприк кура олиши ҳам ёки кўприкдан шулаб тушиши ҳам мумкин. Тўғриси, журналистика, менга жуда кўп халақит ҳам беради, ҳам жуда кўп материал, метафора, ҳаётий воқеалар беради. Кимдир "Факт пати юлинмаган товук" деган эди. Журналистика ёзувчи учун гўё пати юлинмаган товук. Унинг патини юлиб, пишриши керак. Менга бу соҳа жуда кўплати пати юлинмаган "товуқлар" берапти.

йўлда собит турган ягона биринчи телеканалдир. Босиқлик, вазминлик бор каналда. Бугунги оммавий маданият кўзи билан қарасақ, сизнинг гапингиз рост. Шоу-бизнеснинг шитоби бизнинг каналда йўқ. Аммо биз бу кўз билан эмас, ўз олдимиға миллий манфаатдан келиб чиқиб кўрсатувлар ва телемахсулотлар тайёрлаймиз, саралаймиз, эфирга узатамиз. Каналимизда миллий манфаат ва давлат манфаати биринчи ўринда туради. Томошабинлар қатлами эса кенг. Уларнинг манфаатлари ҳам ҳар хил. Шу билан бирга, биз ҳали кўп ишлар қилишимиз ва телеомошабинларнинг барча талабларини инобатга олишимиз, барча қатламлар учун бош вазифадан четга чиқмаган ҳолда кўрсатувлар тайёрлаш кераклигини ҳам биламиз. Биз шунга ҳаракат қилаёямиз.

— Ижодкор — миллият кўзгуси дейишади. Бугунги кўзга ҳақида...
— Кейинги ўн йилликдан ўзбек ада-

га содиқ қолиб, адабиётни инсон ҳақидаги изтироб, гўзалликни кашф этти деб билганлар, асарни санъат деб билганлар гарчи кам асар ёзаётган ёки кам эълон қилаётган бўлсалар-да, адабиётнинг соф аъналарига содиқ қолишди. Улар бугунги тижорат вассаси олдида заиф ва кучсизга ўхшайди. Лекин эртанги ҳақиқий адабиётни бугунги тижорат ва илтифот кутишга ўрганиб қолганлар эмас, айнан ана шулар яратадилар. Эртанги адабиётимиз шуларнинг қўлида. Адабиётнинг миллат кўзгуси эканини ана шулар белгилаб берадилар.

— Сизни кейинги пайтда қайси глобал муаммо кўпроқ ўйлантирапти? Нима ташвишга соляпти? Бу муаммои қандай ҳал қилса бўлади деб ўйлайсиз?

— Замонавий технология бир-биримизга ёзганларимизни етказишни осонлаштиради, ахборот олишимизни тезлаштиради. Биз бир бутун ахборот

биёти бир қарашда, жуда катта эврилишларисиз, катта кашфиётларисиз ўтганга ўхшайди. Аммо бу ўн йилликда ўнлаб аъналар, услублар, тақлидлар, услубга ўхшаган йўналишлар пайдо бўлди, буларнинг аксарияти шу ўн йиллик билан бирга яқун топилб ҳам улгурди. Агар 90-йилларнинг бошида адабиётимизда, айниқса, шеърятда граждандлик туйғуси банд бўлган бўлса, бугун инсон тақдирини мушоҳада қилиш ва таҳлил усули, босиқлик ва вазминлик эгалламоқда. Кеча ёшлар орасида билиб-билмай ёппасига "сўфийлик"ка мойиллик кучли эди. Қайси шеърни ўқисангиз, "илохий муҳаббат" ҳақида ҳали бу фалсафани англамай туриб ҳам шеър ёзиш андозага айланганди. Бугун эса яна кўнгилга қайтиш бошланди. Соқинлик ана шу "қайтиш" жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Бугун қалам тебратаётганлар икки гуруҳга ажралдилар: "тижорат"чилар, яъни чўпнақлар ёзиб фойда қўришни ва шу орқали машур бўлишни истоганлар. Албатта яна такрор бўлса-да, айтаман бундай асарлар бугун дўконларни босиб кетди. Ёш авлоднинг илтифати билмаган қисми ана шу асарлар адабиёт экан деб, шуларга эргашаётганлар ҳам бор. Аммо иккинчи йўналиш, яъни ўзини адабиётнинг азалий аъналарини-

рот тизимига кириб, соат эрталабки тўққиздаёқ Геральд Питнер бугун нима нуска қилганини билиб оладиган даражада имкониятга эга бўлди. Бу яхши. Дунё бир лаҳзада сизни ҳам эътироф этади, ҳам фох қўлади. Аммо бу фақат восита. Адабиёт эмас. Технология ривожланиши — бу ҳали адабиёт ривожланиши дегани эмас. Техникага техника деб қараш керак, уни илохиллаштириш ёки уни фетишлаштириш керак эмас. Адабиётни билмасдан, санъатни тушунмасдан, ҳали дид ва савия, одамийлик тушунмаси шакланмай туриб, техникага ўйгонган меҳр-муҳаббат — бу одамнинг ўзини, қалбини техникага — тошга айлантириб қўяди. Одам ҳамма нарса-ни, меҳр туйғусини ҳам техника билан ўлчайдиганга айланади. Шу маънода ғарб футурологларнинг огоҳлантиришида жон бор. "Терминатор" — бу жиддий огоҳлантириш! Инсоният мана шу катта фожиа билан юзма-юз турибди. Адабиёт ҳам мана шу фожиеани англаб, ундан қалбимизни асраб қолиш учун бор имкониятини ишга солиши керак. Биз қайси бирини танлашимиз ўзимизга боғлиқ. Бу фожиядан бизни, қалбимизни фақат адабиёт, санъат ва яна Адабиёт қутқара олади.

Адиба УМИРОВА сўхбатлашди.

Кўнгул калити

Ўзини ўзи ишчан қилиб кўрсатиш осон, лекин уни амалга кўрсатиш қийин.



Инсон зоти бўлмаганга эди ҳайвонларни кўриқлашга ҳоҳлат қолмасди.

Ўз ўрнини билган одам ўрнидан ажраллиш нимадигани билмайди.

Одамнинг айбу кўп, аммо тавбаси кам.

Болаликка қайтишни мақбул ўй — бу болаликка ўқилган китобларни қайтадан ўқиб чиқиш.

Қийин савола осон жавоб топиш қийин.

Танлаб-адабган нарса битта бўлса танлаш осон бўлади.

Кўнгул калити ҳудуд инеллар калитига ўхшайди — фарақат ўзининг қулригагина тушади.

Битта эркакка ёқадиган аёл — севими, кўпчилик эркакка маъқул келадиган аёл — ҳурмати бўлади.

Хотин кишини жаҳл билан енеиш, эркак киши ақл кучининг енеишли демакдир.

Аёллар кўнгул атиреул каби носиз, лекин ўнине сеҳрига чинор қоматли эркаклар ҳам дош беролмайди.

Булбул фронграммасиз хонш қила олгани учун булбулдир.

Мураккаб илмий масала ечимини габурустган тушуниш қийин, унга баҳо бериш янага мураккаб.

Ҳайвон зотини баҳолашга ўнине тишлиган бошлаб гумизгача қараб чиқадилар. Бу унеллик қийин иш эмас. Лекин инсонни баҳолаш учун ўнине қалбига доқош ва ақлага қараш лозим бўлади. Бу энди анна мушкул масала.

Эркаклар қалбига фарақатгина таом орқали ўй топиш мумкин бўлганда, ошпаз аёллар учига сўққаболлари бўлмасди.

Муҳаббат деган сирли сандиқнинг қулрлари севилганлар калитлари билангина очилади.

Мухаммад ТОШБОЛТАЕВ, техника фаълари доктори.

СПОРТ

ЯПОНИЯ КУРАШГА ТАЙЁР, ЎЗБЕКИСТОН ҲАМ

Япония терма жамоаси бош мураббийи Такеши Окада "ЖЧ-2010" саралаш босқичи доирасидаги Ўзбекистонга қарши бўладиган ўйинда иштирок этадиган футболчилар рўйхатини эълон қилди. Жорий йилнинг 15 октябрь кун Ситама шаҳрида бўлиб ўтадиган мазкур баҳсга Окада Европада тўп сурадиган легионерлардан уч нафарини тақлиф қилган. Бундан ташқари Япония Футбол ассоциацияси Ўзбекистон ва Япония ўйинидан олдин Сурия терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувини ўтказилиши тўғрисида ҳам хабар берган. Мазкур баҳс шу йил 13 ноябрь кун ўтказилиши режалаштирилган.



Ўзбекистон миллий терма жамоаси эса мазкур учрашудан тўрт кун олдин Жанубий Кореяда ўз имкониятини кўрсатиши керак. Юқоридиган икки учрашувга жиддий ҳозирлик қилиш мақсад қилган Ўзбекистон миллий терма жамоасининг янги мураббийи Миржалол Қосимов бир қатор янги футболчилардан фойдаланишга қарор қилган.

ЎЙИНГА ХИТОЙЛИКЛАР ҲАҚАМЛИК ҚИЛАДИ

ОФК Чемпионлар лигаси ярим финалининг Австралида бўлиб ўтадиган биринчи учрашувини бошқарадиган ҳақамлар жамоаси эълон қилинди. Унга кўра, "Аделаида Юнайтед" ва Тошкентнинг "Бунёдор" жамоалари ўртасида кечадиган ўйинни хитойлик ҳақамлар бошқариб боришади. Яъни учрашувда бош ҳақам — Баозид Сун бўлса, қанот ҳақамлари Ти Жун Ли ва Би Хан ва захирадаги ҳақам этиб Хаи Танлар белгиланган.

ИБРАГИМОВ ЯНГИ ЖАМОАДА

Ўзбекистон миллий терма жамоаси азтоси Азиз Ибрагимов ўзининг янги жамоаси — Чехиянинг "Богемианс 1905" клубида дебют учрашувини ўтказди. У маҳаллий "Чашлав" жамоасига қарши бўлган учрашувнинг 56 дақиқасида тажрибали ўйинчи Милан Шкода ўрнига майдонга тушди. Эътиборли томони, Азиз миллий терма жамоасида ярим ҳимояда тўп сурса-да янги жамоаси таркибида у майдонда ҳужум чизигида ҳаракат қилди. Футболчиимиз майдонга тушгунча учрашувда ҳали ҳисоб очилмаган эди. Ўйинга тез киришиб кетган ҳамюртимиз ажойиб комбинациялар уюштиришда фаоллик кўрсатди ва мураббийларнинг ишончини оқлади.

НИГЕРИЯЛИКЛАР «НЬЮКАСЛ»ГА ХАРИДОР

Англиянинг «Ньюкасл» клубини тўрт нафар нигериялик бизнесмен сотиб олмоқчи эканлигини билдирди. Айни пайтда нигерияликлар клубнинг аҳолини ҳар томонлама ўрганиб чиқишмоқда. Бундан ташқари харидорлар клубдаги айрим ишларни янгидан йўлга қўйиш учун 100-150 миллион фунт стерлинг сарфлаш кераклигини ҳам айтиб ўтишган. Англия матбутида ёзилишича, африкаликлар клуб учун 350 миллион фунт стерлинг беришга тайёр. Аввалига клубни 400 миллиондан камига сотмасликка қарор қилган клуб эгаси Майкл Эшли эндиликда «Ньюкасл»ни 350 миллион фунт стерлингга сотишга ҳам рози.

КАМАРНИНГ ЯНГИ СОҲИБИ

Россиялик уттиз ёшли боксчи Денис Инкин кolumbiaлик Фулхенсио Зунгойми очколар бўйича 117.111, 118.112 ва 118.110 ҳисобида мағлуб этиб, супер ўрта оғир вазнда (69,8 кг га) WBO йўналишининг камарини қўлга киритди.

Кизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтган мазкур жангда чарм қўлоқ усталари ҳар бир очко учун жиддий кураш олиб борди. Мушпазлар тақдирини ҳал қиладиган кучли зарбалар даярли бўлмаганлиги боис, беллашувда спортчилардан бирини яққол устунлик қилди, дейиш қийин.

ТЕННИСЧИ АВТОПОЙГАДА

Таиланднинг энг яхши теннисчиларидан бири ҳисобланган Парадорн Сричапан теннисдаги фаолиятини яқунлаб, омадини автопойгада синаб қўришга қарор қилди. Чунки Парадорн Сричапан икки йил давомида турли даражадаги жароҳатлар туфайли АТР турнири доирасидаги бирорта мусобақада иштирок этмади. — Утган вақт мен учун ута зерикарлик бўлди. — дейди ракетка устаси журналистлар билан мулоқот чоғида. — Ўйламанки, спортнинг бир туридан иккинчисига ўтиб фаолиятини давом эттириш спортчи учун янги имкониятлар эшигини очади.

Азиз РЎЗИЕВ тайёрлади.

Адабиёт — инсон қалби учун кураш

— Энди ижозатингиз билан сўхбатимиз мавзусини бироқ ўзгартирсак. Очиги, бугунги Ўзбекистон телевидениесидан, айниқса, сиз ишлаётган I-канал ижодий фаолиятдан телетомошабинлар қониқшимайди. Кўпинча, жуда эрикарли кўрсатувлар, (минг узр) маъно-маъмуни эгизакларга ўхшаш корейс ё турк сериаллари...

— Бизнинг телеканал ўз низомида нима талаб қилинган бўлса, шу вазифани имкон даражасида бажараяпти. Телеканалдаги камчиликлар барча матбуот ва оммавий ахборот воситиларига хос камчиликлардир. Демак, бу борада барча журналистларнинг дарди бир. Шундай экан, биз ҳам барча матбуот нашрлари ва оммавий ахборот воситалари каби ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз керак. Замон талабига мос махсулотлар тайёрлаш учун кўп ишлар қилишимиз керак. Шу йўлда ишланапти ҳам. Аммо умуммиллий дид ва умуммиллий қадриятлар мезонларига таяниб, уни сақлаб қолишга ва тарғиб қилишга, ана шу мезонга таяниб, имкон қадар кўрсатув, махсулот тайёрлашга уринаётган, ҳар бир деталда имкон даражада ана шу мезонни ушлашга уринаётган, тавбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бу

роқ тизимига кириб, соат эрталабки тўққиздаёқ Геральд Питнер бугун нима нуска қилганини билиб оладиган даражада имкониятга эга бўлди. Бу яхши. Дунё бир лаҳзада сизни ҳам эътироф этади, ҳам фох қўлади. Аммо бу фақат восита. Адабиёт эмас. Технология ривожланиши — бу ҳали адабиёт ривожланиши дегани эмас. Техникага техника деб қараш керак, уни илохиллаштириш ёки уни фетишлаштириш керак эмас. Адабиётни билмасдан, санъатни тушунмасдан, ҳали дид ва савия, одамийлик тушунмаси шакланмай туриб, техникага ўйгонган меҳр-муҳаббат — бу одамнинг ўзини, қалбини техникага — тошга айлантириб қўяди. Одам ҳамма нарса-ни, меҳр туйғусини ҳам техника билан ўлчайдиганга айланади. Шу маънода ғарб футурологларнинг огоҳлантиришида жон бор. "Терминатор" — бу жиддий огоҳлантириш! Инсоният мана шу катта фожиа билан юзма-юз турибди. Адабиёт ҳам мана шу фожиеани англаб, ундан қалбимизни асраб қолиш учун бор имкониятини ишга солиши керак. Биз қайси бирини танлашимиз ўзимизга боғлиқ. Бу фожиядан бизни, қалбимизни фақат адабиёт, санъат ва яна Адабиёт қутқара олади.

Адиба УМИРОВА сўхбатлашди.

СОЧМАЛАР

ТУРНАЛАР ҚУР-ҚУРИ

Турналарнинг иссиқ ўлкаларга учиб кетишлари ҳам, у ёқлардан қайтиб келишлари ҳам, айтарли, бир хил манзара — ўша-ўша қур-қур, ўша тартиб, ўша интизом.

Бироқ турналарнинг учиб кетаётгандаги "қур-қури"да негидир "хайр", "алвидо" нидосини, қайтиб келишларида эса "салом, асалом" садосини ҳис қиламиз.

Турналар ортидан сиқиқиб, тўқилиб қолган юракларимизга улар қайтиб келадигандаги овозларидан қайта жон киради. Улар кўчиб кетаётган қалбларимизда ўқинча бурканган бир маҳзун, бир хаста уйлар қолдириб кетади. Қайтишида эса ўзлари билан ҳаётга, яшашга, қўшиққа, бу ерда оламга беадок шитиёқ, муҳаббат туйғуларини олиб келади.

Турналар кетар жафосида бизга қаҳратон кишини ташлаб кетса, келарида гўзаллик рамзи баҳор фаслини бошлаб келади.

Назаримда, турналарнинг иссиқ ўлкаларга ҳижратида мурод жон сақлаш эмас, аксинча, юртимизни тополмай, адашиб юрган баҳорни етаклаб келиш бўлса керак...

ТАМОМ БЎЛМАЙДИГАН УМР

Қогозга ёзилган нарса тамом бўлмайдиган умр, деб ёзишбди "Оз-оз ўрашиб доно бўлур" номли китобда.

Жуда тўғри. Бироқ қогозга ёзилган нарсаларнинг барчаси ҳам умр бўла оладими?

Қогозга нималар ёзилади?! Ҳа, бориники, у шеър бўлсин, ҳикоя, қисса, достон бўлсин...

Албатта, бу ўринда гап ўша, ижодкор умрини узайтирадиган, узайтира оладиган битиклар ҳақида кетмаётганини сезиб турибсиз.

Умр вақт билан ўлчанар, ўлчанаверар экан, демак биз ўз умримизни узайтиришимиз мумкин. Бунинг учун уни ҳар бир дақиқа, лаҳзасигагина моддий, маънавий неъматга — қадриятга айлантиришимиз керак.

ЁРУҒЛИК

Қайсидир бир кинода машъала кўтариб бораётган одамлар душман камончилари ўқига дангал нишон бўлади. Бу уларнинг қоронғулик қаверига яхши кўринганликлари учун эмас, аксинча, маиналаси ёруғидан нарини кўра олмаганидан, десак тўғрироқ бўлади.

Бас, шундай экан, инсоният учун юракка ёвузлик жойлашган кимсаларда шафқат туйғусини ўйғотиш ёки кучайтиришга куч сарфлагандан, машъала ёруғлигини кучайтириш фойдали ва мақсадад мувофиқроқдир.

МЕЪЁР

Жамият ҳам қайнаб турган қозондай гап. Уни бот-бот қовлаштириб, чайқатиб турмасанг таби олаб, қир-моқлаиб кетади, деб ўйлашда баъзи инсондан гумони қолиб кимсалар. Аслида қозоннинг тага олмалиги учун бор-ўғи оловни меъёрда тутиши ва пиширмоқчи бўлган таомнинг қанча вақтда пишилиши аниқ билиш талаб этилади, ҳалос...

Абдушаби БОЙҚЎЗИЕВ

Очиқ акциядорлик тижорат

Турон банк

жамоаси



TURON BANK

азиз ватандошларимизни, банк мижозлари ва акциядорларини ҳидоятли айём — Рамазон ҳайити билан, барча ўқитувчи ва мураббийларни 1 октябрь — касб байрамлари билан қизгин муборакбод этади.

Жаннатмонанд ўлкамизнинг бугунги осуда ҳаётига кўз тегмасин.



Ҳар бир хонадонда пинҳонлик-омонлик, фойду барока ҳуққ сураверсин.

